



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 март, шанба № 41 (1882)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 март кuni Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнеллни қабул қилди.

Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташири чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация қабул қилинган эди. Бу ҳужжат ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратади. АҚШ эса Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қаради. Мамлакатларимиз халқаро террорчилик ва диний экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроннинг ноқонуний савдосига қарши курашда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мувофиқ ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этилди.

Ж.Пурнелл ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидлади ва самимий қабул учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат давомида икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Наваларга ок бодрок сочилди. Далаю чорбоғлар ичи куш ислар билан тўлди. Қизалоқлар ялпиз қидириб кетдилар. Бўз болалар дарахт шохларида халинчақ ясамок таралди. Ним пушти гулларни хишлаб келинчакнинг юзлари пуштиранг тусга кирди. У кўнглида ажиб хушбахтликини туйиб, кўкларни кўзлари билан эркалади. «Бу менинг баҳорим...» дея пичирлади. Сўнгра завк шавкка тўлиб аста хиргойи қилди.

Жонга дармон сумалак, Кимга армон сумалак! Мен ишга кетаётиб болалар боғчаси ёнидан ўтаман. Ичкарида шўх мусика садолари янграйди. Жажжи қизу ўйиллар бийрон тилда қўшиқ айтадилар. Мен онами севаман.

Болажонлар тилидан учган тоза ниятлар юрагимиздаги орзу-умидларга, баҳорий қувончларга ҳамоҳангдир. Негаки, биз «Сихат-саломатлик йили»нинг Наврўзини қарши олаётимиз. «Соғлигинг – бойлигинг»

тан озоод, кўнгилар хур, осмонимиз тинч, бугдойимиз мўл, дастурхонлар тўкин... Шундай гузал бир даврда ёруғ келажак сари дадил бориш учун аввало соғлом бўлмоғимиз зарур. Мухими, қалбларимизда зугулик, хайру саховат, меҳр-мурувват, эртанги кунга ишонч туйғулари барқарор бўлса руҳимиз тетиклашади.

«Рухан тетик одам хасталикдан узоқ юради» дейди Абу Али ибн Сино.

Қадамнинг қутлуг бўлсин, кўклар!

Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...

«Олам куй-қўшиққа тўлса, борлиқ гузал кўринаркан!» дейсиз беҳитиёр. Ва атрофга боқасиз. Тупроқни ёриб, яшашга чоғланаётган майсалар, ариқ бўйларидан митти чўчқомалар, кўк узра хониш қилаётган қушларнинг барчаси Наврўзга пешвоз чиқаётгандек, Янги кунни бир-бирларига суюнчилаётгандек...

Аслида Наврўзи олам қачон пайдо бўлган? Бу муборақ айёмнинг фазилатлари нимада? Қадимий битикларда ёзилишича, Наврўз қарийб уч минг йилдан буён байрам қилинаркан.

«Наврўз – ҳамалнинг бошланиши, умид ойи. Янги йил, Янги кун ҳисоби ана шу ойдан бошлаб қўйилади», дейилади бошқа манбаларда. Мо-моларимиз эса мана бундай ҳикматни қулоқларимизга қўядилар: «Қутлуг кунда гамга ботма. Уйнаб-қулиб юр. Дилинг пок, тилақларинг эзгу бўлсин. Ана шунда келгуси наврўзларга ям шоду хуррам етасан!»

Шу кунларда қуёш ҳар қанонгидан бошқачароқ нур сочаётгандек туюлади. Нозик-ноҳол майсалар, гулу гиёҳлар атри димокларга хуш ёқиб, руҳни чоғлаб, кайфияти кўтарди. Ўт-ўланлар тансиқ таомларга қўшилиб, танга қуз-қувват бахш этади. Сумалак қозонлари атрофида болакайлар чўғурлашади.

ГУЛБОҒЛАРДА КЕЗАР НАВРЎЗ НАФАСИ



Кенг оламини севаман. Соғ бўлсин онам, дейман. Тинч бўлсин олам, дейман.

Кенг оламини севаман. Соғ бўлсин онам, дейман. Тинч бўлсин олам, дейман.

дўйди халқимиз. Ҳеч бир нарсаси арилиб бўлмайдиган ана шу бойлигимизни эндиликда янада кўпроқ асрамоғимиз лозим. Ахир Ва-

Юртга осойишталик, элга саломатлик, кўнгиларга хотиржамлик келтиригил! Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Меҳнатдан келса бойлик

Нуротани баъзида тош шаҳар ҳам дейишади. Ўзининг шифобахш суви ва муқаллас балликлари билан машҳур бўлган чашма тепасидаги қадим Нур калъаси харобалари ўз қошида не-не сир-синоатларни яшириб ётибди. Лекин ҳозир гап қалъа ва унинг жасур химоячилари ҳақида эмас, уни бугун шон-шухратга буркаётган, Нурота мрамридан гузал ва шинам бинолар бунёд этаётган қўлигул, дилкаш ва одамоҳун одамлари ҳақида бормоқда.

НУРОТА ЖИЛОСИ

Аслида Нурота мустикаллик шарофати билан бўлакча гўзаллик ва жозиба касб этди. Утган қисқа давр ичида бу ерда кўплаб маданий-маиший бинолар, савдо расталари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фойдаланишга топширилди. Жумладан, ўтган йили педагогика коллежининг 100 ўринли ётоқхонаси, 422 ўринли мактаб, Ҳозор кўрғонида болалар спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Сентоб, Катта Еж қишлоқларида врачлик пунктлари қайта таъмирланди. «Ҳозор-мармар» акциядорлик жамияти, «Нурота - мармар» корхонаси, А. Баротов хусусий ишлаб чиқариш корхонаси қадим анъаналарни давом эттириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари билан оламини ўзига мафтун этмоқда.

Утган йили Нурота шаҳрида, Ҳозор кўрғонида, Мармаробод, Сайиджон Эшон қишлоқларида 17 километрлик газ қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилди. Бюджет, хўжаликлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан Қизилча қишлоғи, «Нурота» ширкат ҳўжалиги 2-бўлими аҳолиси ҳамда Нурота шаҳрининг чекка хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

«Бақри» нафақат ўз ишловчиларини, балки шаҳардаги ўнлаб кам даромадли оилаларни ижтимоий химоялаётган, соғлиқни сақлаш, таълим муассасаларига ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган биринчилардан бўлиб мактаб ўқувчиларига стипендия таяин қилган хусусий корхоналардан. Унинг қошида қурилишга ихтисослашган Амир Темур, тикувчилик билан шуғулланадиган «Юлдуз», мрамар плиталари тайёрлайдиган «Зилот» ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Биргина Амир Темур корхонасида 160 нафар киши меҳнат қилаётир.

Утган йили корхона нафақат Нуротада, балки вилоятнинг Хатирчи ва бошқа туманларида 530 минг сўмлик иш бажарди. Жорий йилда эса Дебаланддаги 7-мактаб биносини тўла таъмирлаш, Оққула қишлоғидаги 12-мактаб биносини янгидан қуриш режалаштирилмоқда. Яқин кунларда қўлигул усталар сайқал бераётган Нурота касб-хунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Шуниси диққатга сазаворки, коллеж ётоқхонасига қўйилган металлдан ясалган эшик-дезиралар, мебеллар гоят сифатли ва бежирим қилиб тайёрланган.

«Меҳнатдан келса бойлик - турмуш бўлар чиройлик» деганларидек, ишловчилар моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб бормоқда. Бу ерда ойлик иш ҳақи ўртача 80 минг сўми ташкил этаётир. Корхона шаҳардаги 2-мактабни ўз оталигига олган. Ҳар йили 2-3 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Мактаб ўқувчилари учун жорий қилинган стипендия чорак якунида аълочиларга бериб борилди. Корхона кўмаги тўғрисида мактаб спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Яқинда мактабга иккита янги русумдаги компьютер соғва қилинди. Сихат-саломатлик йили муносабати билан корхона туман марказий шифохонасининг тез тиббий ёрдам бўлимини тўла таъмирлашни ўз зиммасига олди. Бажариладиган ишининг 25 миллион сўми ҳомийлик ёрдами бўлди. Корхона Нуротада телевидение кўрсатувлари сифатини яхшилашга ҳам амалий ёрдам кўрсатади.

Ташаббускор аёл Шодия Мержанова етакчилик қилаётган «Шодия» ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ўтган йили ичида 2 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Корхона туманда ободончилик, спортни ривожлантириш, кам даромадлиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш каби хайрли тадбирларга бош-бош бўлмоқда. У яқинда биринчи гуруҳ ногирони Рисолат Шероғовага 1,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Корхона «Ташаббус-2004» қўриқ-танловини голиби, «Интизомли солиқ тўловчи», «Энг яхши тадбиркор аёл» йўналишлари бўйича биринчи ўрин соҳибаси бўлди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

УНУТИЛМАС КУН

Дехқонобод туманидаги Ҳозор қишлоғи аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Тоғ этагидаги булоқдан қишлоқ марказигача ҳашар йўли билан уч километрлик қувур ётқизилди. Шу пайтгача дарё сувидан фойдаланиб келган қишлоқ аҳолиси Сихат-саломатлик йилида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлардан қувончи кечкис.

Бошланғич касабга уюшма ташкилотлари фаолиятини юқори даражага кўтармай туриб қўзланган мақсадга эришиш кийин. Шу боис, ҳисобот даврида ушбу дозалар масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда тармок касабга уюшмаси тизимида 7174 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Улар ходимларнинг чинакам гамҳўри, сунячиғи бўлмоқда.

Таъкидлаш жоиз, қурултойда баъзи камчиликлар, ечимини кўтаётган муаммолар хусусида алоҳида гап борди. Ўзбекистон Кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабга уюшма Марказий Кенгашининг раиси Чори Шодиев ҳисобот маърузасида ҳамда музокарада сўзга чиққан нотиклар томонидан таъкидландики, айниқса сўнги йилларда бошланғич касабга

Ўзбекистон Кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабга уюшмаси қурултойдан

ғич ташкилотлар турли сабабларга қўра ҳисобдан чиқиб кетди. Бундай аҳолини Қашқадарё, Фарғона вилоятлари тартиб-таътиби қўрилган ҳол. Би-бир корхона иши тўхта-са, ўнати янгидан ташкил этилаётганини ҳисобга олсак,

Ҳар қандай жамиятда ишчи-хизматчилар адолатсизликка, тазйикларга дуч келиши мумкин. Ана ўшанда улар ўз ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида касабга уюшмасига табиий зарурат сезади. Бил-мики, меҳнаткашларни иқтисодий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини қатъий шарт-шароитларнинг қатъий шарт-шароитларини давом эттири-моқликнинг ўрни алоҳида-дир. Ҳисобот даврида Марказий Кенгаш «Ўзбексавдо», «Ўзбекирлашув», акциядор-лик компаниялари, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бош-қаруви билан тармок кор-хона

налари ходимларнинг ман-фаатларини химоялаш, уларга иложи борица имтиёзлар бериш бўйича келишувлар тузди. Унинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатди. Тахлил шунга кўра-са, фақат 2004 йилда тармок бўйича ҳар бир хо-димага меҳнат қонунда бел-гиланган кафолат ва имти-ёزلарга қўшимча 35.045 сўм маблағ сарфланди. Демак, ҳар бир ходим йил давоми-да ўрта ҳисобда тўлаган 900 сўмлик аъзолик бадалига нисбатан 34.145 сўмдан ор-тиқ моддий манфаат кўрди.

(Давоми 2-бетда)

ИШГА ХОЛИСОНА БАҲО МАҚСАДГА ЭРИШИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

уюшма ташкилотлари ва улардаги аъзолар сони анчайин камайиб кетди. Жумладан, 2004 йилда уларнинг сони бурноги йўлга нисбатан 3725 тага, кўмиталар 55 тага, аъзолар сони эса 16395 тага камайди. Боз устига талайгина бошлан-

моқ касабга уюшма ташкилотлари мисолида кўриш мумкин. Тўғри, бу каби камчиликларнинг узига ҳос сабаблари бор. Бозор шароитида рақобат бардош беролмаган корхоналарнинг инкирозга юз тутиши тўғрисида ўз фаолиятини

хали фаолиятда изчиллик, ташкилотчилик этишмаётганлиги яқин сезилди. Худди ана шу янгидан фаолият юритаётган қўшма корхоналар, фирмаларни касабга уюшма хизмати билан қамраб олиш ҳақида алоҳида бош қотириш лозим.

«Ишонч» фойш этади

«Альфа» таъсисчилари бир-овнинг пўстинини бировга кийдириш, яъни фирибгарликни касб қилиб олганлиги фойш этилди.

Вилоят ҳўжалик судининг қарори ижроси таъминландики, андиқонлик тадбиркорларнинг муроди ҳосил бўлди, деган савол тўғрисида суд-ий. Афсуски, ижро ҳужжатлари суд-ий департаменти Уйчи туман бўли-маси суд ижросини Умархон Аббо-сов бошлаган «мушук сичқон» йўлини қизғандан-қизиб боряпти-ю, қонун-ий талаб қондирилишидан эса дар-рак йўқ.

Умархон 2004 йил 29 март кун суд қарорини ижрога киритиш учун қабул қилиб олди. Бировнинг ишга саратонда қўл совкоптиди, деганли-ридек, нима учундир ижронини пай-

қасам ичади. Жамолдин ҳамкорини тўзини ичиб, чўв тушуриб кел-тадиган устаси фаранг эди. Хонобод-лик тадбиркор уйчилик «ишбилар-мон»ларнинг шартномага хиёнат қилиб, хайр-маъзури ҳам насия ай-лаб жуфтак уришларини қаердан билсин.

Уша кезларда «Альфа» жамоаси-гина эмас, Қўрғонтепа туманидаги «Умид» хусусий ишлаб чиқариш савдо корхонаси раҳбари Обиджон Эргашев ҳам уйчилик устамонларнинг «хўрағига» айланган. «Училик» Обид-жоннинг гоҳ ўнг томонидан, гоҳ чап томонидан ўтиб, 2001 йил 16 январ

сидан «Альфа» таъсисчилари бир-овнинг пўстинини бировга кийдириш, яъни фирибгарликни касб қилиб олганлиги фойш этилди.

ТАРАФКАШЛИК ОҚИБАТИДА СУД ҚАРОРИ БИР ЙИЛДАН БУЁН БАЖАРИЛМАЙ КЕЛИНМОҚДА

кун олдидан шартномаси тузи-лишига эришади. Тўловини бир ой бойидаги албатта бажарамиз, деб Обиджоннинг қўйинини пуч ёнғоқ-тўлдирдилар. Сўнг «Умид» оғир-хон-насида 2 миллион 600 минг сўмлик маҳсулотни умаришиб гоийб бўлди-лар.

«Биск»дагилар қонун химоясига ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга астойдил киришдилар. Наманган вилоят ҳуж-жал судига жавобгар «Альфа» фир-маси устидан қарз пулининг уни-дирилиши ҳақида даъво аризаси қи-риштилди.

салга сола бошлайди. Ижронинг ба-жарилишини талаб қилиб, хонобод-лик тадбиркорлар Аббосов ишлай-диган маҳама билан Андижон ўрта-қида бўзчининг моқсидек бот-бот бориб кела бошлайдилар. Қуз эшик қоқайтганида ижронини баҳона то-пади. Вилоят ҳўжалик судига 2004 йил август ойида жавобгарнинг ундири-вадига ҳеч қандай мулкка йўқлиги ҳақида осмондан олинган далолат-нома битиди. Бу чиркин иллат-та-рафакшликнинг антика йўли эди.

Жабрланувчилар қузатувлари бўйича Уйчи туман «Дожон бозори-да» жавобгарнинг қиймати 95 милли-он сўмлик қўшма мулкка маъжудли-гини аниқлайдилар. Шу баробарида даъвогарлар ижронининг ҳўжақу-рини шунинг тўлиги, мансаб лавозими-ни суниестемол қилаётганлигидан норози бўлиб, Наманган вилоят ҳў-жал судига шикоят билан қиқидилар.

Хурвий МАМАРАСУЛОВ, ҳўқуқшўнос, Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири

Шартнома қонуний ҳужжат, шарт-ларини бажариш ҳар икки томон учун фарз. Бирок қарангчи, пайти келиб томонлардан бири даъвогару иккин-чиси жавобгар ёрлигини олса, нима дейсиз?!

«Биск» ҳамда «Умид» корхонала-рининг мутасаддилари О.Ақбаров ва О.Эргашевлар, уларнинг ишончли вакиллари қонуний ҳақларини уни-дириш илминда Андижон билан Уйчи ўртасида турт йилдан бери сарсон бўлаётирлар. Ҳамкорлар эшиқдан йўлақашса, қардорлар тешикдан қочаётганларидан улар хайрон.

Токати тоқ бўлган «Умид»чилар Уйчи туман давлат солиқ инспекци-ясига ариза билан муржаат қилди-лар. Солиқчиларнинг маълумотнома-

Ўзбекистон Кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабаси уюшмаси қурулмоғидан

(Боши 1-бетда)

Анжуман уюшқоқлик, ўзаро талабчанлик, танқидий руҳда ўтиди. Кўпчиликини ўйлангандан келиб чиқадиган масала, муаммоларни ҳал этишга қаратилган қимматли тақдирлар ўртага ташланди. Масалан, музокарада иштирок этганлар келишувлар ҳамда жамоа шартномалари билан тармоқдаги барча корхона ва ташкилотлар ходимлари тўлалигича қамраб олинмаганлигини афсус билан таъкидлади. Меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини давр талабига тўла жавоб бермади. Боз устига айримларда амалдаги қонулар ва меъёрий ҳужжатларга зид бўлган бандлар борлиги ажабланирли ҳол. Шу билан бирга тармоқ корхоналарида ишлаётганларнинг 38 фоизи жамоа шартномаларида белгиланган имтиёزلардан умумий фойдаланмаётганлар.

Равшани, икки-уч йил ичида турли сабабларга кўра муайян миқдордаги кичик, хусусий корхоналар, фирмалар ўз фаолиятини тўхтатди. Шундан кейин бўшаб қолган кишиларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоялашни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига белгилаб қўйилган тартибда амалга оширишда касабаси уюшмаси ташкилотларнинг фаолияти унчалик сезилмади. Буларнинг ҳаммаси чуқур ўйлашга, тўғри хулосалар чиқаришга ундайди.

Бозор шартини соҳада тўғри ўзгаришларни юзага келтирди. Фаолият қўламини кенгайтирди. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазаси ва таълим тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасида «Касабаси

билымдон мутахассислар сый-ҳаракати ва қатъиятлиги ила амалдаги меҳнат муҳофазасига оид қонун ва меъёрийларнинг бузилиши юзага келган 605 та ҳолатда 564 таси ижобий ҳал этилди. Баъзида шундай бўладими, ишдан ноҳақ бўшатилган ходимни ўз вазифасига қайта тиклаш учун мутахассислар оилаб ҳаракат қиладилар. Бу

ИШГА ХОЛИСОНА БАҲО

мақсадга эришишнинг асосий шартини

Бундай ажойиб ҳислатлар сарғи қалбларда яшаб келмоқда. Тармоқда ўз ҳисобидан бочалар, Мехрибонлик уйлари қуриб бераётган, боқувчисини йўқотган қаришларни бағрига олаётган кишилар қўлчилик бораётганлиги қувончли ҳол. Марказий Кенгаш ижтимоий ҳимоя масаласига эътиборни қўймайди. Меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари ҳамда байналмилалчи жангчиларга санаторий, дам олиш масканларига имконият даражасида йўлланмалар ажратилди. Тармоқ касабаси уюшмаси тасарруфидоги оромгоҳларда Меҳрибонлик уйлари-нинг 1113 нафар, Оролбўйи минтақалари мактабларининг 588 нафар ўқувчиси, шунинг-де 660 нафар иқтидорли болалар дам олдирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарбиётини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Аввало, корхона ва ташкилотларда, муассасаларда футбол, баскетбол, волей-

бол жамоалари бор. Лекин ҳали бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп. Анжуманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва уни тўлиқ бажарилишига эришиш лозимлиги таъкидланди.

Давр касабаси уюшма ходимларидан билимли, ташкилотчи ва қатъиятли бўлишни тақозо этмоқда. Бунинг яқини аниқлаш Марказий Кенгаш ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширди. Ҳисобот даврида тармоқ касабаси уюшма ташкилотларининг юздан ортиқ ходими малакасини оширди. Машғулотларда илгор тажрибелар оммалаштирилди. Мақсадга эришишда аҳборот-ўқув марказлари ташкил этилиши муҳим рол ўйнади. Анжуман ўзаро талабчанлик ва танқидий руҳда ўтганилиги амалга оширилиши лозим бўлган кўпгина ишларни ойдинлаштириб берди. Танқид келажак меваси. Зеро, ҳар қайси одам, ҳар қайси жамоа ўз фаолиятига танқидий баҳо берадиган, эртанги режаларининг амалга оширилиши муваффақиятли таъминлай олади.

Курултойда ташкилий масала қўрилди. Чори Шодиев Ўзбекистон Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Раҳима Жўрақулова, Абдулхай Юнусов, «Ишонч» мухбирлари

Қарор ва ижро

БУХОРО ЙЎЛЛАРИ

Бухоро йўллари истиқлол шарофати билан янгича чирой кашф этди. Кейинги йилларда вилоятда ҳар томонлама қўлайликка эга бўлган бекатлар қурилди. Кашкарлар, Хоразм, Самарқанд, Навоий вилоятларига тўташиб кетган кенг ҳудудда 13673 километр автомобил йўллари мавжуд. Амалга оширилган қурилиш ва ободончилик тадбирлари натижасида 783 километрли шаҳар ва туманларнинг марказий, 3524 километрли қишлоқ кўчалари янада кўркамлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан кўра ривожлантириш соҳасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган, - дейди биз билан суҳбатда йўл ва транспорт ҳўжалиги касабаси уюшмаси қўмитасининг вилоятдаги вакили Ш.Ихтиёрова. - Йўл ҳўжалигини тартибга келтириш ва кенгайтиришга жиддий аҳамият берилаётганлиги йўловчилар учун бир мунча қўлайликни вужудга келтирди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонвий автомобиль йўллари тармоғини юксалтириш, йўллари лойihalash, қуриш, сақлаш, таъмирлаш самардорлиги ошди. «Бухоро-автотўра» худудий шўба корхонаси таркибиде 11 та туман таъмирлаш пудрат ташкилоти бўлиб, Бухоро, Газли, Қорақўл, Файзулла Хўжаев, Кўкча, Гулистон, Зиёвуддин автомобил йўлларидаги фойдаланиш бошқармалари 3989 километрли магистралларга хизмат кўрсатади.

Инфратузилмани ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, йўллarning техник ҳолати устидан назорат ўрнатилган. Худуддаги умумдавлат тасарруфига эга 496, республика аҳамиятидаги 1484 километрли катта магистраллар, кўприклар ва сув ўтказиш иншоотларига комплекс хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Бундан ташқари, вилоят тасарруфидоги 1084, маҳаллий аҳамиятига молик 925 километрли йўллар вақти-вақти билан таъмирлаб борилапти. 781 та катта-кичик кўприклар, 3877 та қувурларнинг бир қисми таъмирдан чиқарилди.

Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари қуриш, тўла, ўрта, жорий таъмирлаш, қўқаламзорлаштириш, сақлаш ишларига 6 миллиард 817,7 миллион сўм маблағ ажратилди. Сақлаш ишларига, лойihalash қидирув тадбирларига, табиий офатларнинг олдини олишга, қўқаламзорлаштириш ишларига қўлаб маблағ сарфланди.

Лекин йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бораси-

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Муаммо ва ечим

Гулистонда таъбир жоиз бўлса, дарахтин парвартиштиришнинг ўзи амор-наҳол. Негаки, ирригация-мелиорация тармоқлари издан чиқиб, 165 километрлик ички тармоқлардаги оқова сувлар чиқиндиси ҳовли-ю, кўп қаватли уйлар ертўраларини босиши одатий ҳолга айланиб қолган. Бундан ташқари шаҳарни кесиб ўтган «Дўстлик» канали ҳам зах сув кўтарилишига ҳисса қўшиб келди.

Жамоа худуддаги 30 та янги вертикал дренаж қудуқларини қавлаб, 52 та эскисини таъмирлаб, тозалашни зиммасига олган.

Мирзаобод тумани худудда жойлашган оқова сувларни тозалаш

БАҲОРОЙНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

Шу боис шаҳарда кейинги уч ойда бу борада бир мунча ишлар қилинди. 30 километрга қўзилган очқ коллектор дренажларнинг ярмидан кўпи тозаланди. Шаҳарни ободонлаштиришнинг мукамал дастури ишлаб чиқилди. Муаммоларни бартараф этишда гулистонликлар билан бир сафда пойтахтдан ташриф буюрган мутахассислар ҳам иштирок этишти. Ана шундай беғараз кўмакчилардан бири «Ботир ТАВ» масъулият чекланган жамяят-дир.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Масала кўндаланг қўйилади

Президентимиз айтганидек, 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим устувор вазифаларидан бири кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборатдир. Ҳўш, бунга қандай эришилди? Энг аввало, эл-ўрт манфаати йўлида меҳнат қилишга бел боғлаган субъектларга ҳар томонлама ёрдам бериш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий имтиёзларини оширишга кўмаклашиш, фаолиятига қонуний аралашувларни қамқайтириш, йўл қўйилган камчиликлар учун уларни жазолаш, жаримага тортиш эмас, балки биринчи навбатда уларни бартараф қилиш, қайта тақоррорлаш маслиги учун ёрдам бериш лозим. Лекин беғараз ёрдамдан кейин ҳам қонуний фаолият кўрсатган, камчиликларга йўл қўйилганга нисбатан жазо муқаррабдор. Қисқаси, тадбиркорлик субъектлари учун, энг аввало белгиланган тартибда ёрдам, маслаҳат, ундан кейин талабчанлик зарур.

Қўқлам РАХИМОВ

«Фарғонагазтаъминоти» шўба корхонасининг Кува тумани филиали газ ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Айни чоғда бу юмушлар ниятисига етказилмоқда. Шу билан бирга қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида туман марказида 3,5 километр масофага газ қувурлари ётқизиш ҳамда хақлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Суратда: корхонанинг компьютер хонаси ходимлари Н.Урнбоева ва М.Аҳмаджонова.

М.ҚОДИРОВ (Ўза) олган сурат



Долзарб мавзу

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳайъта татбиқ этилиши тизимдаги такомиллашув жараёнини тезлаштириб юборди. Хусусан, таълим муассасаларининг моддий-техникавий негизи мустаҳкамланди, ўқитувчиларнинг малакаси юқори бўлишига эътибор кўчди, таълим ходимларини ижтимоий ҳимоялаш биринчи даражада вазифалардан бири бўлиб қолди. Бундай сифат ўзгаришлар касабаси уюшмалари олдида ҳам жиддий вазифалар қўлади. Зеро, бугунги кунда ҳар бир ходим касабаси уюшмаларининг фаолият доираси ва гамҳўрлиги билан қамраб олиниши керак.

БОҒЧАГА ЭЪТИБОР-КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Соҳанинг муҳим бўғинларидан бири мактабгача таълим муассасаларидир. Бу соҳа ходимларининг меҳнати мураккаб ва машаққатлидир. Афсуски, кўп йиллар мобайнида мазкур муассасаларнинг ходимлари эътибордан бир мунча четда қолганлиги сир эмас. Чунки бу масканларда ишловчилар кам сонли бўлиб, алоҳида бошланғич ташкилот тузиш имконияти чекланган ёки фаолиятининг самараси кўзга ташланмайдими. Аниқроқ айтганда, ходимлар манфаатларига дахлдор масалалар билан шугулланиш ўлда-жўлда эди. Келинг, битта ҳолатни таҳлил қилайлик.

Самарқанд шаҳрида 105 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 3161 ходим ишлайди. Утган йили бу тармоқ ходимларидан фақат бир киши санаторий йўлланмаси билан таъминланган. Шунингдек, вилоят ҳалқ таълими бошқармаси тасарруфидоги «Устоз» саломаатлик марказида бир йилда боғча ходимларидан санокли киши дам олдирилди. Агар ишлар шу меъёрга давом этса, бошқа муҳтожларни соғломлаштириш учун қанча вақт талаб қилинишини тасаввур қилверинг.

Тўғри, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд шаҳар Кенгаши бу муаммога имконият даражасида эътибор бериб келаяпти. Жумладан, ўтган йили «Алломиш» оромгоҳида соҳа ходимларининг 408 нафар фарзанди дам олдирилди. Бу болалар умумий сонининг 34 фоизини ташкил этди. Бундан ташқари, шаҳар касабаси уюшмаси Кенгаши ҳисобидан 1, 2-боғча-мактаб мажмуаларига, 57, 65, 77, 109-боғчаларга 500 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Лекин бу етарли эмас. Негаки, касабаси уюшмалари фаолиятининг ходимлар манфаатларини қамрови жуда кенг.

Шуларни инобатга олиб, ўтган ҳисобот-сўйлловлар даврида соҳа меҳнатқиларининг қўлдан-қўл тақдирларига кўра Самарқанд шаҳрида мактабгача таълим муассасалари ходимларининг бирлашган касабаси уюшмаси ташкилоти ташкил этилди. Фаолиятини ташкил этиш мақсадида барча муассасаларда ўтказилган йиғилишларда ходимлар билан амалий фикрлашувлар уюштирилди. Бундай мулоқотлар ишчилик йўналишини белгилашда, режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Натижада ўтган қисқа вақт - қарийб ярим йил мобайнида жойларда ҳуқуқий мавзуда бир неча семинар-ўқувлар ўтказилди. Уларда меҳнат қонуничилиги, жамоа шартномаларининг роли, меҳнат муносабатларининг ташкилий асослари, имтиёзларнинг қўлланлигини қамқайтириш мулоқотлар бўлди. Илгариги алоҳида бошланғич ёки цех ташкилотларининг бирлашуви натижасида вужудга келган мактабгача таълим муассасалари бирлашган касабаси уюшма ташкилоти фаолият самардорлигини оширди. Эндиликда касабаси уюшмалари бу соҳа ходимлари муаммоларини яқиндан туриб ҳимоя қила оладилар. Шу билан бирга улар фаолиятини ошириш имкониятлари ҳам қўлаймоқда.

Маҳбуба ҒУЛОМОВА, Самарқанд шаҳар мактабгача таълим муассасалари бирлашган касабаси уюшма қўмитаси раиси

МАҲСУЛОТ ИККИ ҲИССА ОРТАДИ

Тадбиркор Акмал Мамарайимов «Навоийэлектримезводи» кўшма корхонасининг бўшаб қолган биносини қайта таъмирлаб, гипскартон ишлаб чиқариш линиясини ўрнатди. Житой технологияси асосида иш юритаётган корхонада кунига 500 донна гипскартон тайёрланмоқда. Хомашё «Ингичка» қонидан келтириляпти.

Уттиз киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жамоа йил охиригача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини икки ҳисса қўлайитириш ниятида. Бу эса яна қўшимча иш ўринлари очилади демекдир.

ТОШДАН ТОЛА ОЛАЁТГАНЛАР

Навоийлик Темуր Мударов «Тизол-Н» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиб, тошдан тола ола бошлаган, айримлар унинг бу ишдан хайратга ҳам тушди. Ўз ишини яхши билган ишбилармон эса базальт тошдан, ростдан ҳам, шиша толасини олишга киришди.

Мана уч йилдирки, корхонада маҳаллий хомашё - базальт тоши қайта ишланиб, истеъмолчиларга импорт ўрнини босувчи маҳсулот етказиб берилаётди. Айни пайтда вилоятдаги қурилиш ва коммунал ташкилотларда «Тизол-Н»нинг шиша толасидан умумий фойдаланмоқда.

Корхонада жорий йилнинг ўтган икки ойида 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. (Ўза)

Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити анча яхшиланди. Бунинг асослари тадбиркорлик ҳам, ҳорижий экспертлар ҳам эътироф этишмоқда. Бирок, бу борада барча муаммолар ҳал қилиниб, деб айтишга ҳали эрта.

Агар шу маънода сўз юритадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги камчилик ва муаммолар Хоразм вилоятида ҳам анчагина.

Давлат мулкнинг бошқариш, тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш худудий бошқармаси бошлиғи Ойбек Каримовнинг айтишича айни кунда рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 3200 га яқини фаолият кўрсатмаяпти. Буларнинг кўпчилиги Хазорасп, Хонқа, Хива ва Шовот туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Утган йили Хазорасп, Хонқа, Хива тумани ва Урганч шаҳридаги кўпгина тадбиркорлик субъектлари тугатилди. Бу соҳани ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар қўрилайётганга қарамастан, вилоятда ўтган йили 1072 субъектнинг тугатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Аҳолини иш билан таъминлашда хусусий секторнинг аҳамияти катта. Утган йили вилоятда 29300 дан зиёд одам иш билан таъминланган бўлса, шулардан 27 мингдан зиёди хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Лекин бу борада Гурлан, Қўшқўпр, Хазорасп ва Шовот туманларида

ҳолатларига ҳамон барҳам берилмаяпти. Хусусан, Қўшқўпр, Урганч ва Шовот туманларида ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш-

ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИНИ НЕГА ТЎХТАТДИ?

кўзга қўринарли иш қилинмади. Белгиланган режа бажарилмади.

Аввало, ҳар бир соҳа ривожини иқтисоди — маблағга бориб тақалади. Шу боис вилоятда тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш борасида бир талай ишлар қилинди. Соҳага ажратилган кредит миқдори шу йилнинг 1 январ ҳолатига 6936,4 миллион сўмни ташкил қилиб, режа 104,4 фоизга удаланди. Ушбу қарзларнинг 6037,5 миллион сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди. 898,9 минг сўми эса бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилди. Лекин деҳон ва фермер ҳўжалиқларини қўлаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилган лозим бўлган 34,6 миллион сўм қарзининг 26,6 миллион сўми тадбиркорларга берилди, холос.

Вилоятдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари фаолиятидаги қатор камчилик ва қонуностилик ҳисобига қўйиб қўйилмади. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориде тижорат банкларида тадбиркорлардан ҳисоб рақами очишда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан ошмаган миқдорда ҳақ ундирилиши белгиланган. Лекин айрим тижорат банклари бунга амал қилишмаяпти. Масалан, акциядорлик тижорат «Алоқа банк»нинг вилоят филиалида «Бикажон ўғли» хусусий фирмасидан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдори ҳақ олинганча ҳисоб рақами очиб берилган, АТ «Савдо-гар банк»нинг вилоят филиалида ҳам «Исмоилов Абдулла» фермер ҳўжалиқига ҳисоб рақами очиб бериш учун 3 баробар миқдорда ҳақ ундирилган. Хуллас, белгиланганидан

кўп миқдорда ҳақ ундириб, ҳисоб рақами очиб бериш юзасидан ўтган йили 78 та ҳолат аниқланган.

Солиқ тўловчи сифатида

лион, 2004 йил 4 феврал-да эса 354 сонли инкасса топшириқномаси билан 6,8 миллион сўм маблағ қонуний ундирилган. Утган


йили бундай ҳолат вилоятда 34 тани ташкил қилган. Тадбиркорликка оид ҳукуматимиз томонидан белгиланган қонун-қоидаларга асосан янги ташкил топган корхоналарга нисбатан мол-мулк солиғида имтиёз қўлланяпти. Лекин бу борада ҳам турлича амал-ишлар мавжуд. Масалан, Урганч туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан имтиёз фойдаланиш ҳуқуқига эга «Вапо қори» хусусий фирмасидан мол-мулк солиғи учун 504 минг 612 сўм, «Болта заргар» хусусий фирмасидан 168 минг 535 сўм маблағ қонуний ундирилган. Шу ва шуларга ўхшаш камчилик ва нуқсонларга чора-тадбирлар белгиланган бўлишига қарамастан, улар узили-кесил бартараф қилинмаяпти. Шу боис турли тўсиқлар тўғрисида фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг сонини ташкил қилинаётганларниқидан ошиб тушмоқда. Ўз фаолиятини тугатётган тадбиркорларнинг таъкидлашларича, уларнинг

фаолиятига ё банк, ё солиқ тизимидеги ёки маъмурий органларнинг ноқонуний аралашувлари, хатти-ҳаракатлари, жарима-ваколат, маъмурий буйруқомалар, расмиятчилик ва бошқалар тўсиқ бўлмоқда.

Президентимиз айтганидек, 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим устувор вазифаларидан бири кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборатдир. Ҳўш, бунга қандай эришилди? Энг аввало, эл-ўрт манфаати йўлида меҳнат қилишга бел боғлаган субъектларга ҳар томонлама ёрдам бериш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий имтиёзларини оширишга кўмаклашиш, фаолиятига қонуний аралашувларни қамқайтириш, йўл қўйилган камчиликлар учун уларни жазолаш, жаримага тортиш эмас, балки биринчи навбатда уларни бартараф қилиш, қайта тақоррорлаш маслиги учун ёрдам бериш лозим. Лекин беғараз ёрдамдан кейин ҳам қонуний фаолият кўрсатган, камчиликларга йўл қўйилганга нисбатан жазо муқаррабдор. Қисқаси, тадбиркорлик субъектлари учун, энг аввало белгиланган тартибда ёрдам, маслаҳат, ундан кейин талабчанлик зарур.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ

ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ



*фидокор халқимиз,
барча меҳнаткашларни
яқинлашиб келаётган
Наврўзи олам билан
самимий табриклайди*



*Ўтмиш билан бугунни
бамисоли камалак
янглиғ бирлаштирган
НАВРЎЗ байрами*

*ўзлимиз,
анъаналаримизнинг
улкан тантанасидир*

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

«Ўзбектелеком» ҳиссасдорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» шохбосли ўзининг ахборот-ҳисоблаш марказига ҳам эга. Замонавий телекоммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишлари ҳам шу марказ мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда. Марказ ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида алоқа корхоналари учун амалий дастурлар яратиб муваффақ бўлди. Аниқ вақтда электрон ҳужжат айланиши, ҳужжатлар ижроси, бўйича автоматлаштирилган назорат, кадрлар бошқаруви, марказий автоматлаштирилган таъмирлаш бюросини ташкил этишга оид дастурлар устида ҳам излашлар олиб борилади.

Локал ва корпоратив тармоқларни лойиҳалаш бўйича амалга оширилаётган техник тадбирлар ҳам қўйилган натижа бераётган.

РАССОМГА ФАҲРЛИ

БУЮРТМА

Шу йилнинг май ойида Францияда халқаро маданий тадбир ўтказилди. ЮНЕСКО ташкилоти билан ушторлардан бу йил фестивал Марказий Осиё ва Мўғлистон мамлакатлари маданияти ва санъатига бағишланди.

Мазкур фестивал доирасида минтақавий амалий санъат ижод намуналари кўргазмаси ҳам намойиш қилинди. Ана шу катта экспозиция элига бадий жиҳатдан сайқал берилган ишлари ўзбекистонлик истеъодли мўйқалам соҳиб Бобур Исмоиловга ишониб топширилди.

Қатор халқаро кўргазмалар намойиш қилинган залларига нафис кўриниш бериб, бой тажриба ортирган мазкур рассом бу тақдирни бахонидил қабул қилди.

Мўйқалам устаси ўз шогирдлари билан бу лойиҳани амалга ошириш учун Парижга йўл олди.

ЯНА БИР ИЗОҲЛИ

ЛУГАТ

Кейинги йилларда республикамиз нашриётлари илм-фаннинг турли йўналишларига доир қатор лугат китобларини чоп этдилар. Нефт ва газ саноати тармоқларига бағишланган босмага тайёрланган бундай нашр ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

«Нефт ва газ геологияси, русча-ўзбекча изохли лугат» деган номда тақдим этилган бу китоб икки йилдан иборат ҳолда юзага келди.

Бу нашрлар устида «Ўзбекнефтгаз» миллий акционерлик компанияси илмий ходимлари жиддий излашлар олиб боришди. Натижада улар бирин-кетин босмадан чиқди.

Нефт ва газ саноатининг геологияси, геофизикасининг йирик йўналишларига оид сўз ва ибораларнинг лугавий изохлари қамраб олинди. Бу хил атамаларнинг маъно-мазмунига ҳам кенг тушунчалар берилди.

А.АЛИЕВ

Эши элликлари қоралаб қолган Ҳўроз ака анча йиллардан бери ширкат ҳўжалигига қарашли «ГАЗ-53» русумли юк автомашинасини бошқарарди. Ҳўжалик тугатилиб кичик фермер жамоаси ташкил бўлгандан сўнг ҳам эски техника юриб турди. Лекин уни тез-тез таъмирлашга тўғри ҳисоб бўларди.

Уша кезларда Ҳўроз ака кичик фермер ҳўжалигига янги прицепли трактор келганлигини эшитиб дарҳол фермер Турғун Эшқулов хузурига йўл олди.

«Машинанинг шалоғи чиқиб тамом бўлди, - деди буйинича келиб. - Бир кун юрса уч кун туриб қолишдан ҳабарингиз бор...»

«Хеч иложи йўқ, - деди бошлик унинг эғидидаги кийлавериб мойи чиқиб кетган коржомасига тикиларкан. - Навбатда бошқалар ҳам бор. Ҳўроз идорадан бўшашиб ташқарига чиқаркан, нима қиларини билмай боши қотди. Унинг фикри-хаёли янги техникада эди.

Иш кунни тугаб уйга қайтаркан, Ҳўроз аканинг кўз ўнгидан молхонадаги боқилган кўйларни бир-бир ўта бошлади. Уларнинг бирини бошликка тўй бахона тўёна қилса-чи! Ахир ҳўжайини

Ҳангома

қўйлар ичига қўшиб қўйди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтди. Ҳўроз ака бу орада эски, шалоғи чиққан машинасини ҳайдаб юрарди.

“ҲўРОЗДАН САЛОМ!”

семиз қўйларнинг бирини етаклади-да, унча узоқда бўлмаган фермер Турғун Эшқуловнига қолганди. У манзилга яқинлашган, «Ҳўроздан салом!» деган ёзуви қўйнинг буйинига илб, секин дарвозанинг эшигини очди. Қўй жонивор мараганча ичкарига кириб кетди. Шовқин-сурондан сагчиб уйғонган ҳўли эгаси бегона қўйга тикилганча ҳайрон туриб қолди. «Хали тўйдан дарак йўқ, Худонинг тўёнаси бўлмасин тагин», деган ҳаёлларга ҳам борди. Жониворнинг тўёнаси, тўё у «Эмдан сизга салом, унча қандай ёрдам қилмоқчисиз? Қора мойга боғиб эски машинада қийнаб юрарвадими, ахир?» дегандек эди.

Ҳўжайин ўз оёғи билан қириб келган қўйни бир амаллаб ушлаб, бостирмадаги

Шундай кунларнинг бирида кичик жамоа ҳўжалигига йилгилик ўтказди.

«Оғайнилар, - деди бошлик йилгиликларга бир-бир назар солиб. - Янги прицепли тракторни интизомли, топқир ва ҳушёр ҳайдовчига беришимиз керак. Орамизда шундай кишилар бор. Улардан бири - Ҳўрозбой!»

Шундан сўнг муҳандис Шоди Соатов ва ҳисобчи Шерлон Алиевлар ҳам бошликнинг фикрига қўшилганликларини билдиришди. Бирин-кетин тажрибали ҳайдовчи номига мақтовлар ёғилиб кетди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари тилга олинди.

Хуллас қалом, янги келган техника қалити Ҳўроз акага берилмади бўлди.

Абдулла САИДОВ



Жиззах вилоятида 332 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари фаолият кўрсатяпти. 48 минг 500 нафар киши спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт мактабларида 850 нафарга яқин ўқувчилар спортнинг энгил атлетика, самбо, буюроча кураш, теннис, сузми, мини футбол турлари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Шунинг билан таъкидлаш керакки, сўнгги беш йил мобайнида касаба уюшмалари томонидан 150 нафар I разрядли спортчилар, 10 нафар спорт усталари, 3 нафар халқаро то-

Эркин кураш ПОЙТАХТ ГИЛАМЛАРИДА ЖАҲОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида илк бора ташкиллаштирилаётган эркин кураш бўйича жаҳон кубоги баҳслари бошланади.

Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (FILA) томонидан ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақанинг юртимизда ўтишига асосий сабаб, мамлакатимизда спортнинг эркин кураш тури кенг ривожланганидир. Жаҳон, қитъа ва олимпиада ўйинларида эркин курашчиларимизнинг муваффақиятли иштироки бунга мисол бўлади. 2003 йил АКШда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида эркин курашчиларимиз Артур Таймазов ҳамда Дилшод Мансуровлар жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритдилар. Сидней олимпиадаси кумуш медали совриндори Артур Таймазов эса Афина олимпиада-

сида голиб чиқди.

Тошкентда ташкиллаштирилаётган жаҳон кубоги баҳсларида АКШ, Куба, Россия, Украина, Эрон ва Ўзбекистон полонлари голиблик учун беллашадилар. Курашларда юртимиз шарафини химоя қилаётган полонлар орасида касаба уюшма мактаби вакиллари Дилшод Мансуров, Александр Доктурашвили, Дамир Захаритдиновларнинг борлиги қувонарлиқдир. Шунингдек, баҳсларда Адхам Очилов, Соҳан Тигиев, Заурбек Соҳиев, Руслан Хинчагов, Артур Таймазов, Мансур Мирзаев ва Магамед Гаджиллаевлар юртимиз шарафини химоя қилади.

А.МАМАЖОНОВ

Касаба уюшма спорти ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

ифададаги спорт усталари тайёрланди. Илҳом Тахтамов самбо бўйича Осиё чемпионати совриндори, Бехзод Воситов миллий кураш бўйича республика терма жамоаси аъзоси, Замира Тўйчиева ва Елена Дроздова-лар энгил атлетика бўйича республика биринчилигида иштирок этишиб, совринли ўринларни эгаллашди.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт

ЯШАРИШ ФАСЛИ

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданий карвонсаройида рассом Татьяна Лининг шу мавзудаги шахсий кўргазмаси очилди.

Мўйқалам устаси тасвирий санъат илҳомидларига ранг-тасвирич, график, саҳна безакисини сифатида яхши таниш. У қўлгина республика кўргазмаларида иштирок этган. Унинг асарлари Корея, Швейцария, Россия, Литва ва бошқа мамлакатларда катта муваффақият билан намойиш этилган. Татьяна Ли суратлари Ўзбекистон музейлари, тасвирий санъат галерейларида, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, АКШ, Покистондаги шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Бу галги кўргазмада рассомнинг 50 дан ортиқ асари йилнинг энг гўзал фасли - баҳорга бағишланган. Санъатшуносларнинг фикрича, Татьяна Ли томошабинни ўзининг ранглар оламига олиб кириб, бошқа ўзига хос муҳит яратиб, ўзи орада қилган уйғунлик ва камолотга интилади. Унинг асарлари тафаккуримиз ва тасаввуримизда янги воқеалар, янги тўғуларни уйғотади. Ижодкорнинг «Баҳор фасли», «Атиргуллар», «Орзулар ушалмоқда» ва бошқа асарлари бундан далолат беради.

Китобни бекорга оғабга менгашмайди. Қўёш ўз ёдуси билан борлиққа жон бағишласа, китоб инсон қалбига нур бериб, дунёни тушунишга, унинг сирларини кўпроқ баҳраманд бўлишга, оламни чуқурроқ англашга ёрдамлашади. Бир чети вилоят марказига тугатиб кетган Уйчи туманида кейинги йилларда ҳар соҳада сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Аммо маънавият ва маърифат қалити ҳисобланган китобга эътибор ҳусусида бундай деб бўлмайди.

Дўст ачитиб гапиради

кин, китоблар номи ёзилмаган.

Маданият саройига қарама-қарши, Уйчи-Чортоқ йўлининг чап томонидаги иморатнинг биринчи қавати-да, китоблар номи ёзилмаган.

Ҳам китоб сақлаш бўлими, ҳам туман марказий кутубхонасидаги ачинарли ҳолат наҳотки туман раҳбарларини безовта қилмасан?

— Биз бу масала бўйича махсус хат билан туман ҳокимлигига мурожаат қилдик, - дейди К. Соиббаева. - Улар мурожаатимиз бўйича ҳолатни ўрганадиган бўлишга ва ёрдамлашишга ваъда қилишди. Марказий кутубхонани қулай жойга қўчиришмоқчи.

Ваъда яхши нарса. Унинг тезроқ бажарилиши ундан ҳам яхши. Лекин айтишларича, хат чиқарилганига икки ойга яқин қандайд ўятатики, ҳеч қандай ўзгаришдан дарак йўқ.

Яна бир гап: туман кутубхоналарига китоб сотиб олиш ҳам қамайиб бормоқда. Масалан, ўтган йилда Чуст ва Поп туманларида 800 нусхадан, Норин туманида ҳам шунга яқин миқдорда янги китоблар сотиб олингани ҳолда, Уйчида 500 нусха атрофида китоб харид қилинган. Туман марказий кутубхонасининг болалар ва ўсмирлар бўлимида эса янги алифбодга чиққан китобларни кўп сўраётганлигини айтишди.

Кутубхона - нурхона. Инсон борки эзгуликка интилиб яшайди. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири



ЭСИЗ, КУТУБХОНА

кетиб улгурмаганлиги сезилди, этингиз жунжикади.

— Хона иситилмайдими? - сўраймиз.

— Қиш бўйи иситилмадику, баҳор киргандан печка ёқишармиди... деган жавобни эшитамиз.

Бўлим мудири Соҳиба Тожибоеванинг айтишича, 31 мингга яқин китоб мавжуд экан. Лекин пештахталардаги китоблар чўғи камроқ эди.

— Кўраясиз, пештахта етишмайди, уларга жойлашмаганларини қўшни хонада сақлашга мажбуримиз, - дейди у.

Эски гиштдек қалаштириб ташланган, чанг боғиб сичконга ём бўлиб ётган 15 мингга яқин нусхадagi китобларни кўздан кечирамиз. Эсиз, маърифат дурдоналари...

Бу ердан туман ҳокимияти, мудоффа ва ички ишлар бўлимлари ҳамда халқ бондики бўлими ходимларига китоб тарқатилар экан. Бизга шу ҳақдаги дафтарни кўрсатишди. Афсуски, унда китоб қайси ташкилотга қачон ётказиб берилгани кўрсатилмаган. Саналарни исталган йилга татбиқ эта бериш мум-

СКАНВОРД

Халқий муаллифи

Кулдрувчи Ершар тасвири

Милдан бир шўла дилга тушган он Шунда билурёанки, илм белён.

Замон Нур (гоғил)

Расм Мумтоз ашула Чашначи

Зид Самолёт

Фокуччи Тик, тикка Эрон валютаси

Жамшид Автомарка

Ақла олтин... одамнига қараб очилади.

Компюручи Сузит усули Ранг

Хикматдаги сўз Ичимлик Бо... Нуксон

Ишга шай

Ф.ОРИПОВ тузди

Қайфи баланд эр уйига келиб, эшикдан кирар-қирмас «гуп» этиб йиқилади. Хотини уни супурги билан савалаб, алам билан дейди:

— Яна ичасанми, аблаҳ! Ичасанми?!

Эри зўрга қўзини очади:

— Майли, қуй жиндай...

Автобусда. Эракк киши хуноб бўляпти.

— Ешлар расво бўлиб кетди-да... Иккинчи эракк сўрайди:

— Нега хуноб бўлясан? Утирибсан-ку ўриндикда...

— Мен-ку утирибман. Лекин хотиним бир соатдан бери обқ устида турипти.

Кичкина қизалоғи йиғлаб, онасининг ёнига келади:

— Ха, қизим, нима бўлди? — Дадам болга билан қўлини уриб олди.

ҲАМ ШАБ-АССУМ

— Унда сен нега йиғляясан? — Мен қулиб юборувдим-да...

— Эрталаб соқолимни олиб бўлиб, ўзимни ўн ёшга яшарган ҳис қиламан, - деб мактанибди эр хотинига ваннахонадан чиқибти.

— Ундан кўра уйқудан олдин соқол олсанг бўларди, - депти хотини.

Эру хотин жанжаллашяпти:

— Сенга теккандан кўра алвастига текканим минг марта яхши эди...

— Бунинг иложи йўқ, - деб оғзидан чиқиси билан ёксинга ёпиштирди эри: — Яқин қариндошларнинг ўзаро турмуш

қуриши ман этилган.

Меҳмонхона ходими дейди:

— Бу аёл хотинингиз эканини исбот қилиб берган тақдирингиздагина мен икковларингизни бир хонага қўйишим мумкин...

Эракк жавоб беради:

— О, жаноб, агарда сиз бу аёлнинг менинг хотиним эмаслигини исбот қилиб берсангиз, мен бир умр сиздан миннатдор бўлардим.

Йирик бир универмагда эри хотинини йўқотиб қўйипти ва соҳиб-жамол сотувчи жувоннинг ёнига келиб, илтимос қилипти:

— Менга бир жилмайиб қаранг... — Нега энди?

ISHONCH

Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилади ва сақлалади. Офсет усулида боёлади. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.